

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**“СУД ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР” КАФЕДРАСИ
ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ФАНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН**

МУСТАҚИЛ ИШ

**МАВЗУ: Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларини
ташкил этиш**

Текширди: ўқитувчи Х.З.Қўчқоров

**Бажарди: “2-ҳуқуқ” 4-курс Б поток
3-гуруҳ талабаси Ф.Рамазонова**

ТОШКЕНТ-2011

Мавзу : Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларини ташкил этиш

К И Р И Ш

1-§ Прокуратура органларини ташкил этиш тартиби.

2-§ Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишнинг асосий принциплари

3-§ Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишнинг қўшимча принциплари

Х У Л О С А

Адабиётлар рўйхати

Рахбарий адабиётлар

«Прокуратура - конун ҳимоясида турган орган. У ҳуқуқий давлат, демократик жамият қурилишида, ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда ҳал қилувчи ролни ўйнайди»¹.

К И Р И Ш

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўз олдида ҳуқуқий демократик давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишни мақсад қилиб қўйди. Бундай улуғ мақсад йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг таркибий қисми бўлган ҳуқуқий ислохотлар натижасида давлат, жамият, фуқаро, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига давлат ёндашуви жиддий такомиллашмоқда. Давлат бошқарувининг жаҳон андозаларига мос янгича ҳуқуқий механизми шаклланимоқда.

«Дарвоқе, бугунги кундаги вазифаларимиз ва фаолиятимизга тўхталишдан аввал тарихга бир назар ташласак. Давлатимиз мустақиллиги эълон қилинган дастлабки даврда бундай ўзгаришларни тан олгиси келмаган собиқ СССР Бош прокуратураси раҳбарияти Ўзбекистон прокуратураси фаолияти устидан ўз раҳбарлигини сақлаб қолиш мақсадида турли топшириқ ва кўрсатмалар беришни давом эттирарди.

Масъулиятли лавозимларда ўтириб олган «марказ десантчилари» маҳаллий кадрларга беписанд муносабатда бўлиш, уларга тазйиқ ўтказиш ва конунсиз ҳаракатларга ундаш ишларидан воз кеча олмасдилар.

Истиқлолимиз асосчиси бўлган юртбошимиз бундай шароит, албатта, мустақиллик принципларига тамоман зид эканлигини ва прокуратура органлари тизимида жиддий ислохотлар бошлаш вақти етганлигини таъкидлаб, бу жараённинг ҳуқуқий асосларини янгитдан кўриб чиқиш фоясини илгари сурди.

Президентимизнинг 1992 йил 8 январдаги «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тўғрисида»ги Фармонида «Иттифоқ қарамоғидаги Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантирилсин», деб белгилаб қўйилди. Айнан ана шу сана, яъни **1992 йил 8 январь мустақил мамлакатимизнинг прокуратураси ташкил этилган кундир**»².

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – конун устуворлиги ва конунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий

¹ Каримов И.А. Адолат - конун устуворлигида. Халқ сўзи. 2001, 30 август.

² Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари фаолиятини ташкил қилишга оид-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг буйруқлари Тўплами, 4-б.

онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда.

Айнан шунинг учун ҳам биз мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ислохотларнинг мазкур йўналишига алоҳида эътибор қаратганимиз бежиз эмас. Ана шундай ёндашув туфайли бу борадаги ишларнинг кўлами, миқёси ва самарадорлиги кейинги ўн йилликда ниҳоятда кенгайиб, янги босқичга кўтарилганини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Аввало, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги бундай чоралар натижасида **Ўзбекистонда ҳозирги кунда қамоқдагилар сони жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткични, яъни ҳар 100 минг нафар аҳолига 166 кишини ташкил қилади.** Қиёслаш учун айтиш мумкинки, Россияда бу кўрсаткич 611 кишини, АҚШда 738 кишини ташкил этади. Мамлакатимизда сўнгги ўн йилда озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳбуслар сони икки баробардан кўпроқ камайганининг ўзи ҳам бу соҳада олиб борилаётган ислохотларимизнинг қандай ижобий натижалар бераётганидан далолатдир³.

³ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябр. – Ҳалқ сўзи. – 13 ноябрь. - 2010

1-§ Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш тартиби.

«Прокурор» сўзи асли лотинча «Pro-sigo» сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида «ғамхўрлик қилмоқ», «асраб-авайламоқ, таъминламоқ, бошқармоқ, бошлаб бормоқ» деган маъноларни билдиради.¹¹

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (XXIV-боб, «Прокуратура» деб номланган) ва ««Прокуратура тўғрисидаги» (Янги таҳрирда 2001 йил 29-августда қ.қ)ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар. Прокуратура органи ушбу вазифани бажарувчи мамлакатимиздаги ягона давлат органи ҳисобланади.

Прокуратура органларининг бошқа давлат ҳокимияти органларидан фарқли жиҳати бу органлар бошқа ҳокимият тармоқларига кирмайдиган, назорат фаолиятини амалга оширишга мўлжалланган махсус давлат органидир. Прокуратурага давлат ҳокимиятидаги уч тармоқнинг (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд) ҳеч бирига кирмайдиган мустақил давлат органи сифатида қараш, прокуратура органларининг самарали ишлашининг асосий шарти ҳисобланади.

«Прокуратура тўғрисида»ги қонунга асосан прокуратура органлари фаолияти фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган деб белгиланган. Бунинг учун прокуратура органлари аввало ҳамманинг Конституция ва қонунларни билишига, онгли равишда уларга итоат қилишига, ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишига катта эътибор беради. Прокуратура органларининг асосий вазифалари «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасида белгиланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- қонун устуворлигини таъминлаш;
- қонунийликни мустаҳкамлаш;
- фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини ҳимоя қилиш;
- ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;
- профилактика қилиш.¹²

Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Прокуратура тўғрисида»ги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бошчилик қилади. Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига прокуратура органлари тизими қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси;

¹¹ Қаранг: Дворецкий И.Х. Латинско-русский словарь. - М. ; 1998, 621 – б.

¹² «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун (Янги таҳрири) 2-модда, 2001, 29 авг.

- вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари;
- вилоят прокуратураларига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси;
- туман прокуратурасига тенглаштирилган ҳарбий округлар, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар.¹³

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳузурида Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси прокуратура органлари тизимининг юқори бўғини ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бошчилик қилади. Бош прокурор Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда Олий Мажлиснинг юқори палатаси Сенат томонидан тасдиқланади. Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори розилиги билан Жўқорғи Кенгес томонидан тайинланади.

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ваколатлари ифодаланган. Унга кўра, Бош прокурор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қонунчилик ташаббуси билан мурожат этиши; Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисларида иштирок этиши, унинг кўриб чиқиши учун масалалар киритиши ва кўрилаётган масала юзасидан фикр билдириши мумкин; буйруқлар чиқаради ҳамда прокуратура органларининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди; чет эл давлатларининг тегишли органлари билан ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар тузади ва бошқа ваколатларни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўз фаолияти ҳақида мунтазам равишда ҳисобот беради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида биринчи марта 2001 йил 6 июл куни қабул қилинган Низомга мувофиқ, Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ташкил этилиб, 2002 йил 28 ноябр куни Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти деб ўзгартирилди. Департаментга лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосарларига тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Департамент бошлиғи раҳбарлик қилади.

Ҳудудий бошқармаларнинг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, Департаментнинг туман ва шаҳар бўлимлари бошлиқлари Департамент бошлиғининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимига тайинланадилар ва лавозимидан озод этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига Қорақалпоғистон Республикаси прокурори раҳбарлик қилади, у Ўзбекистон Республикаси Бош

¹³ Ўша қонун, 10-модда,

прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан лавозимига тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади. Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори олдида ҳисобдордир.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори тегишинча туман, шаҳар прокуратураларининг ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари асосида ва уларни ижро этиш учун ўзига бўйсунувчи ходимларнинг барчаси учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида бошқармалар ва бўлимлар ташкил этилган бўлиб, уларнинг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, прокурорнинг катта ёрдамчилари, прокурорнинг ички хавфсизликни таъминлаш бўйича ёрдамчиси, катта прокурор-криминалист Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан тайинланадилар ёки аксинча лавозимидан озод этиладилар.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ҳамда лавозимдан озод этиладилар. Бу прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунадилар ва унинг олдида ҳисоб берадилар.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар тегишинча туман, шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари асосида ва уларни ижро этиш учун ўзига бўйсунувчи ходимларнинг ҳаммаси учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари бўлади.

Вилоятлар Тошкент шаҳар прокуратураларида ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда бошқармалар ва бўлимлар ташкил этилади. Бошқармалар ва бўлимларнинг бошлиқлари, прокурорнинг катта ёрдамчилари, прокурорларнинг ички хавфсизликни таъминлаш бўйича ёрдамчилари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар. («Прокуратура тўғрисида»ги қонун 16-модда).

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасида туманлар, шаҳарлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар ҳақида сўз юритилган. Унга кўра, туманлар, шаҳарлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга тегишли прокурорлар раҳбарлик қилади, улар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинади. Бу прокурорлар юқори турувчи тегишли прокурорга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунадилар ва уларнинг олдида ҳисобдордирлар.

Туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган ўринбосарлари бўлиши мумкин. Туман, шаҳарлар прокурорларининг ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг катта ёрдамчилари, ёрдамчилари, прокуратура катта терговчилари ва терговчилари, иш ўрганиувчилари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан лавозимга тайинладилар ва лавозимдан озод этиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 119-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоят туман ва шаҳар прокурорларининг ваколат муддати – 5 йил.

2-§ Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишнинг асосий принциплари

Принцип- лотинча сўздан олинган бўлиб, «principium», яъни-«қоида», «асос», «асосий» «рахбарий қоидалар, йўл йўриқлар» деган маънони билдиради. Принциплар маълум бир назариянинг, фаннинг, дунёқарашнинг, сиёсий ташкилотнинг дастлабки ибтидосини ўзида акс эттиради.¹⁴

Прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятини тизимлаштириш элементи бўлиб, уларнинг мақоми хисобланади.

Бу мақомнинг асоси-принциплар ёки тамойиллардир. Принциплар деганда прокуратура органлари фаолиятининг туб моҳияти ва мақсадини белгиловчи бошланғич асос тушунилади.

Бу асосий принциплар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (118, 121-моддалар), «Прокуратура тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонун (5-модда)да мустаҳкамлаб қўйилган.

Прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:⁴

- Бирлик;
- Марказлашганлик;
- Қонунийлик;
- Мустақиллик;
- Ошқоралик (1- сонли жадвалга қаранг)

Бирлик принципи - деганда Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган ҳудудий ва ихтисослашган прокурорлар ягона тизимини ташкил этиши тушунилади. Сoddaroқ қилиб айтганда прокуратура органлари фаолиятининг бирлиги, ҳамма прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолият принципларининг бирлигида намоён бўлади, прокуратура

органларини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бошчилигидаги ягона марказий маҳкама бошқаради.

Прокуратуранинг бирлик принципи бу органлар олдига қўйилган вазифаларнинг ҳам бирлиги билан белгиланади, яъни давлат номидан қонунийликни мустаҳкамлаш ва қонун устуворлигини қарор топтиришдир. Қонун бузилишини аниқлаш ва бартараф этишда юқори турувчи ва қуйи турувчи прокурорларнинг ваколатлари бир хил. Ҳар бир прокурор ягона прокуратура органининг вакили сифатида шу ваколат доирасида ҳаракат қилади ва қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни тўлиқ амалга оширади ва қонун бузилишининг олдини олиш ва профилактика чораларини кўради. Шунинг учун шу ягона тизимга кирмайдиган прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятига йўл қўйиш таъқиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 121-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий, кооператив ташкилотлар жамоат бирлашмалари ва

¹⁴ Пўлатов Б. Х. Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати. Т.; 2006 й 42-б.

уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши таъқиқланади.

Ҳар бир прокурор белгиланган ҳудуд ва доирада фаолият кўрсатар экан, ягона тизимнинг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси номидан фаолият юритади. Ҳар бир прокурор ўзининг компетенцияси доирасида уларни амалга оширишнинг ягона ваколати ва ҳуқуқий воситалардан фойдаланади. Шундай қилиб, барча прокурорлар, туман прокурорларидан тортиб, то Бош прокуроргача ўзининг ваколати таъсири доирасида давлат органларининг қонун бузулишига олиб келган актларини аниқлаш ва таъсир чорасини кўриши лозим ҳисобланади. Бунда улар ягона ҳуқуқий воситалардан, яъни протест, тақдимнома, ариза, огоҳлантирув хати ва қарор каби прокурор таъсири ҳужжатларига таянадилар.

Бу ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва уларга қонун билан белгиланган муддат ва тартибда муносабатда бўлиш барча органлар ва жисмоний шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

Бундан ташқари бирлик принципи бу юқори турувчи принцип томонидан қуйи турувчи принципга ўзининг мажбуриятларини бажарилишини топшириши, қуйи турувчи принципларнинг мажбуриятини юқори турувчи принциплар томонидан бажарилиши, қонунда белгиланганидан ташқари, унинг қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилинишини билдиради.

Марказлашганлик принципи - бу қуйи турувчи прокурорнинг юқори турувчи прокурорларга бўйсунлигини ҳамда Бош прокурорга бўйсунлиши тушунилади. Бошқача қилиб айтсак, прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизимни ташкил этади.

Қуйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунлиши ҳамда ҳисобдолиги асосида фаолият кўрсатади.

Шаҳарлар, туманлар ва ихтисослаштирилган прокуратуранинг прокурорлари Бош прокурор томонидан тайинланади. Лавозимга белгилаш тартибига қарамасдан барча прокурорлар Бош прокурор томонидан лавозимидан четлаштирилади, улар унга бўйсунадилар ва ҳисобот берадилар. Юқори турувчи прокурорлар қуйи турувчи прокурорлар фаолиятини бошқарадилар ва назорат қиладилар. Бош прокурор томонидан прокурор органлари системасини ташкил этиш бўйича қабул қилинган ҳужжатлари барча прокуратуралар ва уларнинг ходимлари томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Прокуратура тизимида, бошқарув органлари тизимидаги вертикал ва горизантал бўйсунлишга нисбатан, бўйсунлишнинг фақат вертикал тизими жорий қилинган, яъни қуйи турувчи прокурор, юқори турувчи прокурорга бўйсунди.

Ҳамма прокуратура органлари бир хил мақсад ва вазифаларни бажарадилар, назоратни амалга ошириш тартиби, тактикаси ва усули ҳам бир хилдир.

Прокуратура органлари тизимида раҳбарлик принципи ҳам прокурорлик фаолиятига оид барча масалалар фақат прокурор томонидан якка тартибда ҳал қилинишида ифодаланади. Юқори турувчи прокурорларнинг якка тартибдаги буйруқ, фармойишлари қуйи турувчи прокурорлар учун мажбурийдир. Юқори турувчи прокурорлар қуйи турувчи прокурорнинг қарорлари, фармойишларини якка тартибда бекор қилиши мумкин.

Прокуратура органларининг юқори тизимларида якка тартибдаги раҳбарликни, прокурорлик фаолиятнинг алоҳида муҳим масалалари бўйича қабул қилинадиган қарорларини коллегиял тартибда муҳокама қилиш билан боғлиқ ҳолда олиб бориш ҳам жорий қилинган. «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикасининг Бош Прокуратурасида, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураларида ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда маслаҳат органи бўлган ҳайъат тузилишини кўзда тутди. (19-модда)

Марказлашганлик принципини қуйи турувчи прокурорлар томонидан юқори турувчи прокурорларга хисобот берилишида ҳам кўриш мумкин.

Қонунийлик принципи - бу ҳуқуқ субъектлари фаолияти учун умумҳуқуқий бошланғич асос ҳисобланади. Бу принципга амал қилиш ҳуқуқий давлат қурилишининг асосий шarti ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам мазкур принцип қонуний жиҳатдан расмийлаштириб қўйилган. Унга кўра, «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар»¹⁵.

Прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига аниқ риоя этишлари ва уларни бажаришлари шарт. Прокуратура органларида бу асосий тамойиллардан бири бўлиб, унинг фаолиятидаги қонунийликни таъминлашга қаратилгандир. Бу унинг асосий мақсади, қонунийликнинг устуворлиги, бир хил ва аниқ ижро қилинишини англатади.

Қонунийлик ўзининг ичига қуйидаги қатор имкониятларни олади:

- мамлакатда ривожланган қонунчилик тизимининг бошқариладиган ҳуқуқий муносабатларига мос бўлишини;

- тегишли қонунларга риоя этишликни таъминловчи давлат-ҳуқуқий инфратузилмалар;

- фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг амалдаги қонунлардан хабардор бўлиши;

- ҳуқуқбузарлик, уларнинг вужудга келиш сабаб ва шароитларини ўз вақтида бартараф этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов прокуратура органлари фаолиятидаги қонунийлик принципи тўғрисида «прокуратура идоралари фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилиши ҳолатларига йўл

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 15-модда.Т.: 2008

қўймаслик мақсадида бошқарув ва назорат органларининг ҳуқуқий ҳужжатлар қонунийлигини назорат қилиб бориши зарур. Бу прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчидир»¹⁶ деб алоҳида таъкидлаган эди. Прокуратура органлари фаолиятида қонунийлик тамойили деганда барча давлат органлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа органлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан қонунларга риоя этиш тушунилади. Бундан ташқари, қонунийлик қонунларнинг устиворлиги ва ҳуқуқ иерархиясига амал қилиниш назоратини ҳам ўз ичига олади.

Қонунийлик принципи бу унинг талабларини прокуратура органларининг ўзида амал қилишликни англатади. Аниқроқ қилиб айтганда, қонунийлик принципига биноан, прокурорлар давлатда қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширар эканлар, қонундан четга чиқишга, унинг бузилишига ва ўзбошимчаликка йўл қўймасликлари даркор. Прокурорларнинг ҳар бир ҳуқуқий ҳужжати, уларнинг процессуал ҳаракатлари қонунга асосланиши, ундан келиб чиқиши ва қонунда белгиланган тартибда ва шаклда бажарилиши лозим. Қонунийлик прокурорлар томонидан давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, фуқаролар ҳаракатини баҳолашнинг асосий мезони бўлиши зарур.

Қонунларни аниқ бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай чекиниш, қандай асосларга кўра қилинишидан қатъий назар, қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.¹⁷

Мустақиллик принципи - Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширадилар. Прокуратура органларининг фаолиятига аралаштириш таъқиқланади (2-сонли жадвалга қаранг).

Прокурорнинг ғайриқонуний қарор қабул қилинишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон-бир таъсир кўрсатиш ёки фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, унинг дахлсизлигига тажовуз қилиш, шунингдек, прокурор ёки терговчининг руҳсатсиз текширишлар ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор этиш, прокурорнинг талабларини бажармаслик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади (интизомий, маъмурий, жиноий ҳамда суд тартиби асосида қўлланиладиган бошқа чоралар).

Шунинг учун ҳам, прокурордан қонун талабларини ҳимоя қилишда юқори қатъиятчилик, муросасиз муносабатда бўлиш, қонун бузилишига ўз вақтида кескин таъсир қилиш талаб қилинади. Прокуратура органлари ҳар қандай қонун бузилишини ким томонидан бузилишидан қатъий назар, аниқлаш ва ўз вақтида бартараф қилиш, бузилган ҳуқуқни тиклаш ва айбдорларни белгиланган тартибда қонуний жавобгарликка тортиш чораларини кўрадилар. Бу эса прокурорлик фаолиятининг барча соҳаларида «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда (янги таҳрири) мустаҳкамланган ваколатлар орқали таъминланади. Прокурорлар нафақат қонунларнинг бир

¹⁶ Каримов И. А. Адолат - қонун устиворлигида. Халқ сўзи. 2001, 30-авг.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси ЖПК, 11-модда

хилда бажарилишини, балки уни бир хилда тушунилишини ва талқин қилинишини таъминлашлари лозим. Бу қоидага риоя қилиниши қонун бузилишининг олдини олишга ва профилактика қилишга ёрдам беради. Амалиётда прокурорлар ва терговчилар фаолиятига аралашиб қуйидагича бўлиши мумкин:

-мансабдор шахсларнинг аралашуви, жумладан, норматив- ҳуқуқий актлар қабул қилиш орқали;

-оммавий ахборот воситаларининг аралашуви (ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни нашр қилишни буюртма қилиш шаклида);

-қўрқитиш ёки жисмоний таъсир кўрсатиш (оила аъзоларини ўғирлаш, аноним ва тўғри қўрқитишлар, босқинчилик ва бошқалар).

Шу сабабли ҳам қонунчилигимизда прокурор ва терговчиларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш чоралари белгиланган. Ўзбекистон Республикасида бевосита «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг ўзида айтилган

Россияда бу борада «Судялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат органлари мансабдор шахсларни ҳимоялаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Прокуратура органларида прокурор ва терговчилар, уларнинг оила аъзолари, мумкинки, мустақиллигини, фаолиятнинг фақат қонун асосида олиб борилишини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамият ва давлат манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини олиб боришда хавфсизлик хизмати ташкил этилган. Қонунда нафақат прокурорлик назоратини амалга оширишга йўл қўймасликни, балки прокуратура органлари ва тузилмаларининг ҳар қандай бошқа функционал фаолияти, жумладан, жиноятларни тергов қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳуқуқ ижодкорлик фаолиятига иштирок этишга аралашиб таъқиқланади.

Фаолиятига тўсқинлик қилиш - прокурорни тегишли органнинг ҳудуди ва биносига қўймаслик, ҳужжат ва материалларга доступни чеклаш, талабга мувофиқ тегишли ҳужжат ва материалларни бермаслик, қалбакилаштирилган маълумотларни топшириш, мутахасис ва экспертларни ажратмаслик, кўрсатма ва тушунтириш бермаслик мақсадида турли хил баҳоналар ўйлаб топиш ва бошқалар.

Қонунга хилоф равишда ҳаракатлар содир қилишга мажбурлаш - бу ўз хизмат бурчини бажараётган прокурор ва терговчиларга нисбатан уларни ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортиш ёки мажбурловчи шахс фойдасига ноқонуний ҳаракатлар содир этишга эришиш мақсадида жисмоний ёки рухий таъсир этишдир.¹⁸

Хизмат фаолияти юзасидан амалга ошириладиган қаршиликни прокурор ва терговчи турли хил ҳуқуқий воситалар ва бошқа қонунда назарда тутилган чораларни кўрадилар. Булар: мажбурий келтириш, олиб қўйиш, ички ишлар органлари ёрдамидан фойдаланиш, ёлғон гувоҳлик беришлик ёки бош тортмаслик учун жиноий жавобгарликка тортиш, прокурор талабларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш ва бошқалар.

¹⁸ Рустамбоев М. Х Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига шарҳлар. Махсус қисм. Т.: 2006, 578-б.

Прокурор ва терговчи қонунда белгиланган тартибда ва ҳолларда ўзларининг юритувчиларидаги ишлар ва материаллар юзасидан тушунтиришлар ва ҳужжат билан танишиш моҳиятини таъминлашлари керак. Терговчи унинг фаолиятини назорат қилувчи ёки юқори турувчи прокурорга шундай мажбуриятга эга. Прокурор тегишли ҳужжатлар ва тушунтиришларни бўйсунтириш ва ҳисобдорлик асосида юқори турувчи прокурорга бериши керак.

Қонунда белгиланган ҳолларда тушунтиришлар судга берилади.

Ошкоралик принципи - бу принцип ҳозирда прокуратура органлари фаолиятининг энг асосий тамойилларидан бири бўлиб, бу ҳақда кейинги бобда батафсил сўз юритамиз.

3-§ Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишнинг қўшимча принциплари

Юқорида биз прокуратура органлари фаолиятининг асосий принциплари ҳақида фикр билдирдик. Булардан ташқари, О.М. Мадалиевнинг фикрича, прокуратура органларининг қонунда белгиланмаган ички ташкилий принциплари мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:¹⁹

- Худудийлик;
- Предметлилик.

Ички ташкилий принципларни прокурор назоратига оид илмий-амалий қўлланмалар, дарсликларни ёзган турли олимларнинг асарларида кузатиш мумкин. Аслида, амалиётда бу принцип ҳамма вақт ҳаракатда бўлиб келган. Жумладан: **худудийлик принципи**га оид ҳозирда ҳам прокуратуралар ҳар бир вилоят ва вилоятнинг шаҳар ва туманларида ташкил этилган. (Масалан: Андижон вилояти прокуратураси, Андижон шаҳар прокуратураси, Балиқчи туман прокуратураси ва ҳоказо Андижон вилоятидаги ҳар бир туманда прокуратура идорасини ташкил этилганлиги ва фаолият кўрсатаётганлиги худудийлик принципини амалдалигини тасдиқлайди). Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, худудийлик принципи - бу шундай ташкилий тартибни билдирадики, бунда барча ишлар ҳажми худудий бирликлар ўртасида тезкор ходимларга бўлиб берилади. Ишнинг ҳажми бўйича бир ёки бир нечта шаҳар ва туманлар прокуратурасига тақсимланади.

Предметлилик принципи - бу прокурорлик назорати предмети тушунчасидан келиб чиқиб, бунда прокурорлар ўртасидаги мажбуриятларни бўлишда - ҳуқуқий тартибга солиш доираси, яъни прокурор томонидан маълум бир тоифадаги қоидалар ва норматив актларни назорат қилишга қараб ихтисослар бўйича тақсимланишини англатади.

Бу принципнинг мақсади барча тузилмаларни прокуратура органлари олдида турган муҳим вазифаларни амалга оширишга қаратилганди.

Белгиланган мажбуриятлар тақсимотига мувофиқ, бўлим прокурори унинг предметиға тегишли статик ва бошқа маълумотларни умумлаштиради; тегишли материалларни таҳлил қилади (докладлар, тақдимнома, протеслар, умумлашмалар, услубий ҳолатлар, хайъат қарорлари ва бошқалар): норматив актларнинг камчилиги бўйича топшириқлар тайёрлашда иштирок этадилар; хайъатда ва координацион кенгашга таклиф киритади. Бўлим прокурорлари прокурорлик назоратини ташкил этиш ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади.

Бундан ташқари **худудий-предметлилик принципи** ҳам мавжуд бўлиб, бунда худудий прокурорларга уларга қонун билан белгиланган ваколатларини амалга оширишлари лозим бўлган предмет ҳам қўшилади. Бу ҳозирда муҳим бўлган ижтимоий муносабатларни асослашга қонунларнинг ижросини таъминлашга қаратилган ихтисослашган прокуратура органларининг вужудга келишига олиб келади.

Бу принципларга қўшимча тариқасида Россия Федерациясидаги процессуалист олимлардан Чувилёв ва Басковлар қуйидаги асосий принципларни қўшадилар:

- сиёсий мустақиллик** (Чувилёв, «Прокурорский надзор РФ» 58-59-б.);
- қонунларнинг бузулишини аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш;**

¹⁹ Мадалиев М. О. Прокурор назорати муаммолари. Т.: 2006, 34-б

-прокуратура органларининг жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоатчилари билан ўзаро фаолият олиб бориш; (Басков, «Прокурорский надзор» 78-83 б.).

Сиёсий мустақиллик принципи - прокуратура органлари ходимлари сиёсий мақсадларни кўзловчи жамоат бирлашмалари аъзоси бўла олмайдилар ва фаолият юрита олмайдилар. Бундан ташқари прокуратура органларида сиёсий мақсадларни кўзда тутувчи жамоат бирлашмаларини тузиш ҳам таъқиқланади. Бу таъқиқ нафакат прокурор ва терговчига, балки прокуратуранинг илмий ва педагогик ишчилари ва махсус унвонга эга бўлган ходимларига ҳам тегишлидир.

Бу принципнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, бунда прокуратура ходимларини бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишининг таъқиқланиши унинг иш ҳақи билан боғлиқ бошқа иқтисодий ва моддий муҳтожликдан мустақил қилади.

Булардан мустасно сифатида: ўқитувчилик, илмий ва ижодкорлик фаолияти, қайсики шартнома, меҳнат контракти ёки бир марталик асосида амалга оширилишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Бундан ташқари прокуратура органлари ходимларининг ўз хизматларини амалга ошириш юзасидан илмий тадқиқотлари ҳам рағбатлантириши мумкин. Булар ўз навбатида ходимларнинг ўз ишларини амалга оширишга тўсқинлик қилмаслиги керак.

Қонунларнинг бузулишини аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш принципи - қонунларни бир хилда ва аниқ ижро этилиши устидан прокуратура органлари назоратни олиб борар эканлар, қонунбузилишларининг ким томонидан содир этилишидан қатъий назар шу ҳуқуқбузарликни аниқлаш ва уни ўз вақтида бартараф этишга қаратилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган, айбдорларни тегишли жавобгарликка (интизомий, маъмурий, жиноий ва б.) тортишликни билдиради.

Бу принцип, ўз ичига қуйидаги ҳолатларни олади:

1. Қонун олдида ҳамманинг тенглиги.
2. Прокурорлар томонидан ҳуқуқбузарликни аниқлаш билан бирга уни ўз вақтида бартараф этиш.
3. Ҳуқуқбузарликни олдини олишга қаратилган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш чораларини кўриш.
4. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини кўриш.

Ҳар бир қонун бузилиши ҳолати, ким томонидан содир қилинишидан қатъий назар, қатъий принципиал баҳоланиши ва айбдор шахслар жавобгарликка тортилишлари керак. Зеро, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 9-моддасига асосан ҳар бир содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлилик) учун жавобгарлик муқаррардир.²⁰

Прокуратура органларининг жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоатчилари билан ўзаро фаолият олиб бориш принципи - бошқа органлар каби ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жамиятдан холи равишда фаолият

²⁰ . Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси, 9-модда

юрита олмайдилар. Амалиётдан бизга маълумки, прокурор агар ўзининг фаолиятини давлат ҳокимият ва бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоалари, аҳоли билан координация қилинмаса, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни амалга ошириш юзасидан фаолиятни олиб бора олмайди. Бундан англаш мумкинки, қонунийликни таъминлашда, ҳуқуқбузарликларни ва уларнинг оғир ёки енгиллигидан қатъий назар, прокурор ўз функцияларини амалга оширишда жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоалари ёрдамидан кенг фойдаланишлари лозим.

Бу ўзаро фикрларнинг давлат ва меҳнат тартибининг бузилишига қаратилган, ҳўжасизлик, растрата, халқ мулкининг талон-тарож қилинишининг олдини олишга, айбдорларни фош этишга, меҳнат қонунчилигининг самарали амал қилиши ва фуқароларни иш билан таъминлаш кафолатини яратишга олиб келади.

Шунингдек, ҳозирги миллий қонунчилигимиз прокуратура органлари ва судларга кенг жамоатчиликни жалб қилиш имкониятини берди. Мисол қилиб: жиноий ишларда жамоат айбловчиси ва ҳимоячисининг иштироки бу ўз навбатида судда адолат, унинг тарбиявий томонини олишни, жиноятларнинг келажакда олдини олишда кўмаклашади.

Биз юқорида прокуратура органлари фаолиятининг асосий ва қўшимча принциплари ҳақида тўхталиб ўтдик ва уларни ўрганиш жараёнида келиб чиқиб қуйидагиларни айтиб ўтиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг принциплари - бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларда мустахкамлаб қўйилган асосий талаблар бўлиб, улар прокуратура органларининг ва улар ходимларининг сиёсий ва ижтимоий вазифасини, ваколатларини ҳамда давлат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш усул ва воситаларини, уларнинг ҳажми ва ҳарактерини ҳамда прокуратура органларининг бошқа давлат органлари, хусусан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан фарқ қилувчи белги ва хусусиятларни аниқлайди. Шу принципларга амал қилиш прокуратура органларига ўзининг вазифасини аниқ бажаришга имкон беради.

Принципларни прокурорлик функциялари ва йўналишларини амалга оширишни тартиби ва ҳолати билан алмаштириб юбормаслик керак, чунки принциплар ўзаро боғлиқ ва ажралмас ҳисобланади. Бундан ташқари прокурор муайян ҳуқуқ соҳасида назоратни амалга оширар экан, шу соҳадаги принципларга амал қилиши лозим. Масалан: судларда давлат айбловини қўллаб-қувватлаганда адолатлилик, судьяларнинг мустақиллигини, тенглик судланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи, айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги, айбсизлик презумпцияси, ошкоралик, эркин фикр, процеснинг узвийлиги ва бевоситалиги, тортишувчилик сингари тамойилларга қатъий равишда амал қилиши лозим.

ХУЛОСА

Юртимизда Конституция ва қонунларимизда белгилаб қўйилган мақсад ва вазифаларни амалага ошириш борасидаги ислоҳотлар ҳаётимизнинг барча жабҳаларини тўла қамраб олиб, ўз самарасини берганлиги билан изоҳланади.

Ҳукукий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида амалга оширилаётган жиддий ислохотлар прокуратура органларининг ҳам ҳукукий мақомини такомиллаштириш, мақсад ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш ҳамда ҳуқуқни ҳимоялаш ваколатларини кучайтириш заруриятини тақозо этарди.

Шу муносабат билан, Президентимизнинг ғоялари асосида ва бевосита раҳбарлиги остида 2001 йил 29 августда замонга ҳамнафас руҳда Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонун демократик жараёнларни ўз ичига қамраб олди.

Айни вақтда, прокурор назорати фаолиятидан фуқароларнинг қонунларга риоя этишлари устидан назорат функцияси чиқариб ташланди. Халқимизнинг «прокуратура жинойий жавобгарликни таъқиб этувчи орган» ёки сода қилиб айтганда, «қораловчи идора» тушунчасига барҳам берилди.⁵³

Демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётгани прокурорлик назорати объекти ҳисобланади.

Прокуратура идоралари фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилиши ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва назорат органларининг ҳукукий ҳужжатлари қонунийлигини назорат қилиб бориши зарур. Бу - прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчидир.

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда (янги таҳрири) прокуратура фаолияти устидан самарали, биринчи галда, жамоатчилик томонидан назорат ўрнатишни таъминловчи механизмлар мустаҳкам белгилаб қўйилди.

Мамлакатимиз Конституциясида прокуратура ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Олий Мажлисига ҳисобот бериши белгилаб қўйилган. Аммо бу нормани амалга оширувчи механизмлар ҳанузгача яратилмаган эди. Бу соҳадаги ҳукукий бўшлиқ кўп ҳолларда прокуратура ходимлари ўртасида ўзбилармонлик ва шунга ўхшаган номаъқулчиликларга сабаб бўлди. Қонунчиликка амал қилиниши устидан назорат ўрнатиши керак бўлган тизимнинг ўзида турли суиистеъмолчилик ҳолатлари, порахўрлик каби иллатларнинг мавжудлиги мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир.

Энди вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар халқ депутатлари тегишли Кенгашларига, зарурат бўлган ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига қонунийликнинг ҳамда жинойятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида ахборот берадилар.

Юқоридагилардан хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, жамиятни демократлаштиришнинг ҳозирги босқичида прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини ҳимоя қилиш,

21. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари фаолиятини ташкил қилишга оид-ҳукукий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг буйруқлари Тўплами, 6-б.

хуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳал қилувчи энг асосий омиллардан бири бу - улар фаолиятининг ошкоралигидир. Ошкоралик принципи амалга оширилиши жараёнида эса прокуратура органларини фаолиятини жамият назорат қилади. Аҳолини қонунчиликнинг ахволини ҳамда фуқаролар ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш борасида прокуратура органлари фаолиятдан хабардор бўладилар. Бунинг натижасида уларнинг прокуратура органларига мурожат қилиш имкониятини беради. Бошқача қилиб айтганда, прокуратура органлари ҳам, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар каби, ўз фаолиятларини жамоатчиликдан ажралган ҳолда амалга ошира олмайдилар. Уларнинг фаолиятидаги ошкоралик прокурорларга қонун бузилишига, ҳуқуқбузарликка йўл қўйган шахсларга нисбатан жамоатчиликнинг фикрини шакллантиришга, одамларнинг ҳуқуқий онгига таъсир қилишга ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга имкон беради.

Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги «Адолат - қонун устуворлигида» деб номланган маърузасида сўзлаган нутқида «...Прокурорлар фаолиятига улар томонидан қўзғатилган жиноий ишлар ёки жавобгарликка тортилган фуқаролар сонига қараб эмас, балки тегишли ҳудудда қонунчиликка амал қилинишининг ҳолатига қараб баҳо берилади.

Қонунни химоя қилиш, суд, прокуратура органларининг асосий вазифаси, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ўз ҳуқуқларини, қонунларни яхши билишларига эришиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича самарали иш олиб боришдан иборатдир⁵⁴»-деб қайд этиб ўтган.

22 Каримов И.А. Адолат - қонун устуворлигида. Халқ сўзи. 2001, 30 август.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Рахбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т: Ўзбекистон, 1996. –394 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999. –413 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000. –525 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001. –439 б.
10. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003. –320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. –Тошкент: Ўзбекистон, 2004. –400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. –448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. Т.14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. -280 б.
15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. -320 б.
16. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.
17. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор риожданишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 280 б.
18. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
19. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатни акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
20. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятни барпо этишда мустаҳкам пойдевордир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза / 2009 йил 5 декабрь/. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
21. “Баркамол авлод йили” давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши.
22. “Баркамол авлод йили” давлат дастури тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги ПҚ-1271-сон Қарори.
23. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 27 январь. // Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

24. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январь. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

25. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябр. – Халқ сўзи. – 13 ноябрь. - 2010.

26. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза 2010 йил 7 декабр. – Халқ сўзи. – 8 декабр. - 2010.

Асосий адабиётлар

1. Мадалиев О.М. Прокурор назорати: Ўқув-услубий қўлланма. - Т.: ТДЮИ, 2003. – 46 б.
2. Басков В.И. Прокурорский надзор. - М.: БЕК, 1996. – 398 с.
3. **Давлетов А.Дж. Прокурорский надзор. – Нукус: Билим, 1999. – 383 с.**
4. Мадалиев О.М. Прокурор назорати: Ўқув қўлланма. - Т.: ТДЮИ, 2006. – 532 б.
5. Мадалиев О.М. Прокурор назорати: Ўқув-услубий қўлланма. - Т.: ТДЮИ, 2008. – 95 б.
6. Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. – Т.: ТДЮИ, 2009. – 26, 5 б.т.
7. Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Махсус қисм. – Т.: ТДЮИ, 2009. – 884 б.т.
8. Махбубов М. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане. Автореферат на соискание ученой степени докт. юр. наук - Ташкент.1993 г.

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроя кодекси.
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.
6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодекси.
7. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
8. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси.
9. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал кодекси.